

## MECHANISM OF ANALYSIS AND EVALUATION OF VALUE ADDED TAX AS THE MAIN TAX OF THE STATE BUDGET

J. Haydarov  
Master, SamSU,

### Annotation:

Value added tax is weighted from a treasury point of view. This rate encourages workers to work harder, earn more, and increase productivity. At present, the purpose of applying such a rate is to curb inflation, strengthen money supply and generate significant revenues for the budget.

**Keywords:** turnover, appropriateness, inflation rate, secret economy.

Қўшилган қиймат солиғи - ишлаб чиқаришнинг бозор босқичларида, яъни ҳом ашёдан истеъмол буюмларигача бўлган босқичларда қисман ўсган қийматларни ошириш шакли ҳисобланади. қўшилган қиймат солиғи олди-сотди счётининг барчасидан ундирилади. Назарий жиҳатдан, унинг объекти бўлиб, қўшилган қиймат ҳисобланади. Қўшилган қиймат ўз навбатида маҳсулот қиймати ҳажмидан уни ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган ҳом ашё, материаллар, яримфабрикатлар ва бошқа сарфларни ажратгандан қолган қисмини ташкил этади. Шу билан биргаликда қўшилган қиймат, иш ҳақи, социал суғурта ажратмалари, фойда, кредит учун фоиз, реклама сарфлари, транспорт, электроэнергия ва бошқаларни қамраб олади.

Ҳозирги вақтда солиққа тортиш амалиётида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда турли хил услублардан фойдаланиш мумкин. Уларнинг иккитаси, яъни олдиндан белгиланган қўшилган қиймат миқдоридан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ёки унинг алоҳида элементларидан ҳисоблашни тақозо этади. Бу услуб тўғридан-тўғри услуб бўлиб, унда қўшилган қиймат солиғи, товарлар, хизматлар олдиндан ҳисобланган қийматидан фоиз улуши кўринишида ҳисобланади. Тўғридан-тўғри услубда икки вариант бўлиши мумкин: 1) маҳсулотларни реализация қилгандан кейинги даромаддан моддий бойликлар қийматини ажратиш йўли билан, 2) алоҳида қўшилган қиймат элементларини қўшиш йўли билан.

Иккинчи услуб - аддитив услуб бўлиб, унда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш икки босқичда олиб боришни назарда тутаяди, дастлаб қўшилган қийматни ташкил этувчи алоҳида элементлардан солиқлар миқдори белгиланади, мисол учун иш ҳақи бўйича ва бошқалар, кейин умумий қўшилган қиймат солиғини белгилаш учун ҳисобланган

солиқлар миқдори қўшилади. Аммо амалиётда бу услуб, ҳисоб-китобнинг қийинлиги сабабли кам қўлланилади.

Шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг учинчи услуби кенг қўлланилади. Бу услуб, ҳисобга олиш услуби ёки қоплаш услуби деб аталиб, уни ҳисоблаш қўшилган қиймат солиғи миқдори реализация қилинишдан тушган маблағдан ишлаб чиқаришда истеъмол қилиш учун олинган бойликларнинг қиймати ажратилиши орқали амалга оширилади. Ҳисобга олиш услубидан фойдаланишда бюджетга фақат юқорида кўрсатилган икки қиймат ўртасидаги фарқ тўланади. Солиқ идораларида берилган декларацияда бошқа мажбурий маълумотлари билан биргаликда қўшилган қиймат солиғини икки асосий ҳисоб-китоби, яъни реализация қилинган маҳсулотнинг умумий суммаси ва сотиб олинган товарлар ва хизматларнинг умумий қиймати тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғини йиғувчилари бўлиб, товарлар ҳаракатини ҳар бир босқичдаги сотиш акти ходимлари ҳисоблашади. Ишлаб чиқариш учун товарларни сотиб олишда сотувчи ҳеч қандай иқтисодий жавобгарликни олмайди, чунки, давлатдан солиқни қоплаш учун зарур бўлган суммани олади, бу сумма харидор томонидан тўланган бўлади, фақат маҳсулотни реализация қилишдаги солиқ тўловидан ташқари. Бу механизмнинг моҳияти шундан иборатки, солиқ оҳирги истеъмолчи томонидан тўланади. Шунинг учун қўшилган қиймат солиғи эгри (билвосита) солиқ ҳисобланади ва у учун жавобгарлик истеъмолчи томонида бўлади.

Реал ҳўжалик фаолияти амалиётида эгри(билвосита) солиқларнинг асосий шакли бўлмиш қўшилган қиймат солиғи реализация босқичларида тўғридан-тўғри таъсир қилишни инкор этади, аммо сотувчини маҳсулотни реализация қийинчиликларидан ҳалос этмайди. Сотувчи харидорни маҳсулот нарҳидан ташқари солиқни тўлашига ишонтириши лозим. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида қўшилган қиймат солиғи оборот солиғига нисбатан унчалик «ҳавфли» солиқ ҳисобланмайди ва корхона фаолияти натижаларига кескин таъсир ўтказмайди. Бундан ташқари қўшилган қиймат солиғи, товар ва хизматларнинг ажралмас қисми ҳисобланиб нарҳ даражасини белгилашга таъсир этмайди, чунки нарҳлар даражаси эркин нарҳлар принципида намоён бўлади.

Қўшилган қиймат солиғига ўтиш вазифасини ечишда муҳим ва асосий шартлардан бири бўлиб унинг мақсадга мувофиқлиги ва солиқ тизимидаги ушбу ўзгаришнинг самарадорлиги ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида қўлланилмоқда. Кўп ҳолларда ҳукумат мамлакатда нобарқарор ҳолатда бу солиқ турини киритишмайди. Мисол учун бу солиқ тури Францияда 50-йилларда киритилган. Бу даврда мамлакат истеъмол бозорида дефицитлик тўлалигича тугатилган. Чунки ҳукумат истеъмол моллари дефицитлиги даврида қўшилган қиймат солиғини киритиш гиперинфляцияни вужудга келтиришни тушуниб етган.

Инфляциянинг даражаси Ўзбекистонда солиқ ислохотининг асосий йўналишларидан бири бюджетни шакллантиришга қаратилга эгри (билвосита) солиққа, яъни қўшилган қиймат солиғига ўтишга қаратилган. Қўшилган қиймат солиғини ишлатишдан мақсад яна шундан иборатки, баҳоларни пропорционал ўзгаришга мос ҳолда иқтисодиётни молиявий ҳолатини соғломлаштириш ҳамда бюджетни даромадлар қисмини оширишдан иборат. Бозорда етарли товарлар ва хизматлар массаси бўлмаган шароитда, қўшилган қиймат солиғи инфляцион жараённи кучайтиради ҳамда нархларнинг асосиз равишда ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи энг фискал (ҳазина) солиғи ҳисобланади. Уни тўлаш зарур ва солиқнинг бу туридан «қочиб» бўлмайди. Бундан ташқари солиқнинг бу тури инфляция шароитида бюджетни ортиқча чиқимлардан сақлайди. Қўшилган қиймат солиғи баҳоларни либераллаштиришдан сўнг, инфляциянинг юқори бўлиши ва бюджетнинг даромадларидан ошиши кўзда тутилган бир шароитда киритилди. Демак, унинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлган.

Жаҳон мамлакатлари тажрибаси шуни курсатмоқдаки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мамлакатда яратилган ялпи миллий маҳсулотнинг 25-40% ҳуфия иқтисодиёт хиссасига тўғри келмоқда, уларнинг асосий қисми солиққа тортилмай қолмоқда. Бизнинг фикримизча ҳуфия иқтисодиётнинг хиссаси катта бўлган бир даврда уларни тартибга солишнинг ягона йўли бўлиб, қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда асосий вазифалардан бири қўшилган қиймат солиғини сақлаб қолиш ҳисобланади. Бундан ташқари бюджетнинг даромадлар қисмини асосий қисми шу солиқнинг шу турига тўғри келмоқда.

Солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғини қўллангандан сўнг ўтган вақт мобайнида унинг ҳуқуқий базасини тўлиқ такомиллашмаганлиги аниқланди. Бу ҳол солиқни ундириш тартиб қоидаларига бир қатор ўзгартиришлар киритишни талаб қилади.

Қўшилган қиймат солиғи киритилгандан бошлаб ҳозирга қадар унинг ставкаси бир неча бор ўзгариб борди. Дастлаб унинг ҳажми 30%ни ташкил этган, аммо кўпчилик мамакатларда унинг ҳажми бир мунча паст даражада бўлган муҳитни тенглигини инобатга олган ҳолда 1993 йилдан солиқ ставкалари 20%га, озиқ-овқат маҳсулотларига эса 10%га камайтирилди. Бу ҳол ўз навбатида бюджетни даромадлар қисмига салбий таъсир қилди. Натижада солиққа тортишни бир мунча юқори ставкаларига қайтишни талаб қила бошлади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти макроиктисодиётнинг муҳим соҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳсус фармон чиқарди. Фармонга мувофиқ, эгри (билвосита) солиқни тўловчилари, унинг объектлари, тартиби ва муддати «Солиқ кодекси» орқали белгиланиб, солиқнинг бу тури яширин шаклда бўлиб, фавқулодда солиқ характерини олиши таъкидланади.

2019 йилдан бошлаб, асосий солиқлар - қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғини камайтириш тарафдорлари кўпайиб, улар ушбу солиқ ставкаларини камайтиришни тарғиб қила бошлашди. Булар солиқ ставкасини 15%гача қисқартиришни талаб эта бошлашди. Улар қўшилган қиймат солиғининг ижобий тарафларининг кўплигига қарамасдан бир камчиликка эга. Яъни, ушбу экспертларнинг фикрича, солиқни ҳар қандай ҳолда истемолчи тўлайди, улар қанчалик олдинроқ олинса, ишлаб чиқаришдан шунчалик кўп оборот маблағлар чиқиб кетади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичидан олинадиган қўшилган қиймат солиғи, иктисодиётга салбий таъсир кўрсатади деб ҳисоблашади.

Баъзи амалиётчилар қўшилган қиймат солиғини «зарарли» эканлигини инкор этишади. Уларнинг фикрича, илгари ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида оборот солиғи ундирилган, қўшилган қиймат солиғи эса, бу «ҳисобга олинган» солиқдир. Уларнинг оборот маблағларини ишлаб чиқаришдан чиқиб кетади деган фикрлари, солиқ ставкаси билан боғлиқ эмас, балки товарларни таклиф этувчилар томонидан тўланадиган солиқ суммаси билан боғлиқдир. Масалани бу томонини ҳимоя қилувчилар қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш лозимлигини эътибордан четга қолдиришади. Аммо улар ўз фикрларини илгари амал қилган қўшилган қиймат солиғи ставкасини камайтириш амалиёти натижаларига асосланишади.

### Қўшилган қиймат солиғи ставкаси киритилгандан бошлаб унинг ставкасидаги ўзгаришлар. (фоиз ҳисобида)

| Мамлакатлар   | Дастлабки стандарт ставка | Амал қилаётган ставка |
|---------------|---------------------------|-----------------------|
| Австрия       | 16                        | 20                    |
| Бельгия       | 18                        | 20,5                  |
| Канада        | 7                         | 7                     |
| Дания         | 10                        | 25                    |
| Финляндия     | 11.1                      | 22                    |
| Франция       | 20                        | 20,6                  |
| Германия      | 10                        | 16                    |
| Греция        | 16                        | 18                    |
| Исландия      | 22                        | 24,5                  |
| Ирландия      | 16,4                      | 21                    |
| Италия        | 12                        | 19                    |
| Япония        | 3                         | 6                     |
| Люксембург    | 8                         | 15                    |
| Мексика       | 10                        | 10                    |
| Ўртача ставка | 12,6                      | 17,1                  |

Солиқчиларни таклифларини танқид қилувчиларни кўпчилиги қўшилган қиймат солиғини пасайтириш тажрибасини ижобий натижа бермаётганлигини таъкидлашади. Уларни мантиқий фикрларига асосланадиган бўлсак, қўшилган қиймат солиқ ставкаларини пасайтириш, бюджет тушумини пасайишига сабаб бўлмоқда. Аммо қуйидаги статистик маълумотлар тахминларни инкор этади.

Ялпи ички маҳсулотни барқарор ўсиши ва аҳоли турмуш шароитини ошиши шароитида солиқларнинг пасайиши ижобий ҳолатдир. Аммо Ўзбекистонда ўтиш даврида, у ҳолат ҳам бу ҳолат ҳам кузатилмади. Демак, шундай шароитда қўшилган қиймат солиғини пасайиши ҳавфли ҳолатдир. Бу айниқса, Ўзбекистон бюджетини тўлдириш чегараланган бир шароитда ҳавфлидир. Шу сабабли, фикримизча, биринчи навбатда, қўшилган қиймат солиғини тўлаш услубини такомиллаштириш зарурий ҳолдир.

Қўшилган қиймат солиғини тўлаш тизимида ҳисобга олиш услубини муҳим хусусиятларидан бири бу олинаётган ва тўланаётган қўшилган қиймат солиғини ҳажми кўпроқ даражада ушбу услубдан фойдаланишга боғлиқдир.

Жаҳон тажрибасида учта шундай услуб бир мунча эътироф этилган.

Биринчи услуб - етказиб бериш услуби (ёки ўтказиш услуби). Бу услубда қўшилган қиймат солиғи ва у билан боғлиқ бўлган барча солиқ мажбуриятларини ҳисоблаш зарурати товар ва хизматларни сотувчилар ва сотиб олувчилар учун товар ва хизматларни етказиб бериш вақтида пайдо бўлади.

Иккинчи услуб - тўлов услуби ёки касса услуби. Бу услубда солиқ мажбурияти товарларни келиб тушадиган вақтида пайдо бўлади.

Учинчи услуб - гибрид услуби. Бу услубга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи маҳсулотлар келиб тушган вақтдан бошлаб сотилган товарлар учун ҳисобланади ва ундирилади.

Жаҳон тажрибасида қўшилган қиймат солиғи ўтказиш тамойили асосида ҳисобланади. Бу ҳол солиққа тортиш назариясига мос келади ва унга асосан солиққа тортиш базаси бўлиб товар ва хизматларнинг жорий истеъмоли ҳисобланади. Иккинчидан, етказиб бериш услубида солиқ хизматчиларининг қўшилган қиймат солиғини ундирилиши енгиллашади, чунки товар ва хизматларни етказиб берилишини белгилаш оддий ҳолатдир. Учинчидан, етказиб бериш ҳамда гибрид услублардан фойдаланиш тўлов услубини қўллашга нисбатан қўшилган қиймат солиғини барқарор тарзда олишни таъминлайди. Демак, ушбу услубларидан фойдаланишга қараб, олинadиган қўшилган қиймат солиғини миқдори аниқланади ҳамда

Шунинг учун ялпи даромаддан олинadиган солиқ эгри (билвосита) солиқларнинг бир турлиги сақланган пайтда (акциз ва ҚҚС) адолат нуқтаи назаридан баҳолашни талаб қилади. Аммо, шу ҳолатни инобатга олиш керакки кўпгина ғарб давлатларида ҚҚС ва ялпи даромад солиқлари бир вақтда ундирилмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. S.K.Xudoyqulov. Soliq tizimi. Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. T.: "Ilm Ziyo" nashriyoti. 2013 y. 279 b
2. X.Shennayev, I.K.Ochilov, I.G'.Kenjayev, S.E.Shirinov. Sug'urta ishi.T.: "IQTISOD-MOLIYA" nashriyoti, 2014 y.-248 b.
3. Yoldoshev. Soliq va soliqqa tortish. «Fan va texnologiya». 2007. 128 bet.
4. Alimardonov M.I., Toxsonov Q.N. Soliq nazariyasi. O'quv qo'llanma – T.: O'zbyokiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. 168 b.
5. Б.Ш.Сафаров, И.И.Аюбов “Молия ва солиқлар”. Дарслик – Т.: Фан ва нашриёт, 2020 йил. 536 бет.